

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ АҲАМИЯТИ

Дилдора Султонова Муталлиевна

Наманган Шарқ тиллари ва хизмат кўрсатиш техникуми катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва раҷобатбардошлигини ошириш йўллари келтирилган. Шу билан бирга ҳунармандчиликнинг турлари ва улар фаолиятин ривожлантиришнинг иқтисодий механизм ташкил қилиш тадбирлари келтирилган.

Калит сўзлар: ҳунармандчилик, унинг турлари, ҳунармандчилик ихтисосликлари, тикувчилик, тўқимачилик

Аннотация

В статье представлены пути развития производства национальных ремесленных изделий и повышения их конкурентоспособности. При этом приведены вида ремесел и меры по организации экономического механизма развития их деятельности.

Ключевые слова: ремесло, его виды, ремесленные специальности, пошив одежды, текстиль.

Annotation

The article presents ways to develop the production of national handicraft products and increase their competitiveness. At the same time, the types of handicrafts and measures for the organization of the economic mechanism for the development of their activities are presented.


Key words: handicraft, its types, handicraft specialties, tailoring, textile

Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик соҳасига оид муаммони тадқиқ қилиш, ёшларнинг бандлик даражаси ва уларнинг миллий ҳунармандчилик соҳаларида самарали меҳнатлари, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш йўллари, ўзбек миллий мероси сифатида халқ ҳунармандчилигининг жаҳонда намоён қилиниши, ундан қўзланган вазифа ва мақсадларни таҳдил этиш, муаммоларнинг асл моҳиятини кўрсатиш, ҳозирги кунда ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда республикамизда миллий ҳунармандчиликнинг қўллаб-қувватланиши, ривожлантирилиши давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган ҳукуқий норматив ҳужжатлар миллий ҳунармандчиликнинг янада ривожланишига замин бўлди.

Республикамизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда Хунарманд уюшмаси аъзолари сони 36 440 кишини ташкил қилмоқда, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 6440 (+14%) кишига кўпдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги Фармонига мувофиқ хунармандчиликни ривожлантириш дастурига 50 миллион доллар миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, 2020 йил апрел ойига келиб қўшимча яна 50 миллион доллар ажратилди. Яна бир мисол сифатида, усталар (хунармандлар) томонидан яратилган янги иш ўринлари ўтган йилга нисбатан 125 мингдан ошган. [6]

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-4539-сонли қарорига асосан Наманганд вилоятида хунармандчилик йўналишлари бўйича ихтисослаштириш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини бириктириш кўзда режалаштирилган.

Хунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин дехқончилик ва чорвачиликсан ажралиб чиқди, турли ижтимоий тарихий даврлар доирасида техника ривожи билан алоқадор ҳолда такомиллаша борди, турли ихтисосликларга ажralади.(1-расм)



1 расм. Хунармандчилик ихтисосликлар

Хунармандчилик бу миллий-анъанавий майдада товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат куроллари ёрдамида якка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат туридир.

Мамлакатмизда йирик саноат ишлаб чиқариши вужудга келишига қадар хунармандчилик кенг тарқалған, кулоллиқ, дурадгорлик, темирчилик, бинокорлик, ўймакорлик, каштадўзлик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, тунукасозлик соҳалари кейин ҳам сақланиб ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда хунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб, пахта ва пилла бор ерда тўқимачилик, сифатли тупроқ бор ерда кулолчилик, жун ва тери кўп ерда қўнчилик, шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп ерда ёғочсозлик, маъданларга бой ерларда темирчилик ва бошқалар ривож топган.

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий тараққиёти натижасида хунармандчиликнинг 3 тури шаклланган:[3]

- уй хунармандчилиги;
- буортма билан маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик
- бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик.

Мамлакатимизда якка буюртмалар ва қимматбаҳо бадиий буюмлар тайёрлайдиган хунармандчилик соҳаларигина (тикувчилик, этикдўзлик, гиламчилик, заргарлик, ўймакорлик ва бошқалар) сақланиб қолди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча соҳалар қатори миллий хунармандчиликни унитила бошланган қадимий анъаналари ва мактаблари қайта тикланиб, ривожланиб ҳамда бойиб бормоқда. Марғилон шойи-атласлари ва дўппилари, Хива гиламлари, Нурота кашталари, Бухоро зардўзи буюмларининг довруғи етти иқлимга ёйилган. Кўли гул усталаримизнинг санъат асари даражасида тайёрлаган хунармандчилик маҳсулотлари бугун дунёнинг кўплаб музейларидан, халқаро кўргазмалардан жой олиб, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, бебаҳо қадриятлари ва яратувчанлик салоҳиятини намоён етиб келмоқда.[5]

Хунармандчиликнинг тўқимачилик, косибчилик соҳаларида мода-дизайн хизматларидан фойдаланилса бозорларда савдосини ривожланишига олиб келади.[3]

Хозирги шароитида янги иқтисодий механизм ташкил қилиш ва қўйидаги аниқ тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди:

- импортни камайтириш ва истеъмолчилар учун хунармандчилик соҳаларида замонавий тўқимачилик, косибчилик, аксессуар маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- мода-дизайн ательєларни очиш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, харидорлар учун маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- харидорлар хунармандчилик маҳсулотларини сотиб олишда интернет сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали мода-дизайн маҳсулотларини каталогини шакллантириш ва уни мода тенденциялари ўзгаришидан келиб чиқиб янгилаб бориш ;
- реклама (эълон қилиш) фаолиятини кенгайтириш шунга мос полиграфия базаларини, видео, нашрни маҳсулотлар сифатини яхшилаш;

Ўрганишларимизга таянган ҳолда шуни таъқидашимиз мумкинки, хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида унинг ривожланишига тўсик бўлувчи муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

- хунармандларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё (шу жумладан мис, қора металл, ипак ва ёғоч) билан таъминлашнинг қулай тизимини жорий этиш ҳамда қайта тикланадиган хомашё (тутзорлар, қаттиқ турдаги дараҳтлар) базасини яратиш лозимлигига талабнинг юқорилиги;
- оммавий ахборот воситаларида хунармандчилик ва халқ амалий санъати тарихи ҳамда бугунги ривожини кенг тарғиб этувчи кўрсатувларни камлиги;
- хунармандчилик маҳсулотларини экспортга йўналтириш тизими ривожланмаганлиги.

Хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари бевосита хунармандчилик маҳсулотлари бозорининг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хунармандчилик соҳасида мода-дизайн хизматларини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва шу асосида ўз стратегияларини ишлаб чиқиши орқали юқори қўшилган қийматли товар ва хизматларни ички ва ташки бозорларда тўқимачилик маҳсулотларни кенг ассартиментли хунармандчилик маҳсулотларини яратиш, рақобатбардошлигини ошириш орқали туризмни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш каби имкониятларга эга бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни кўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сонли қарори
3. Усмонов К., Содиков М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т., 2005. - 478-б.
4. Kamilova X.X., Vohidova U.A. Loyihalash. O`quv qo`llanma.Toshkent -2017
5. <http://wikipedia.uz/>
6. Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши Осиё-Тинч океани минтақасининг 38- Бош Ассамблеяси бўлиб ўтди. <https://chamber.uz/uzk/news/7100>